
14 январь – Ватан ҳимоячилари куни!

Учкўприк тумани ҳокимлиги Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилаётган барча ҳарбий хизматчиларни, уларнинг оила аъзоларини ҳамда юртдошларимизни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 33 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни билан самимий муборакбод этади.

Жонажон Ватанимизни ҳимоя қилишдек шарафли ва масъулиятли вазифани адо этишда юртимизнинг жасур ва мард посбонларига катта ютуқлар, оилавий бахт-саодат тилайди. Сизнинг ҳамиша ҳушёр ва сергаклигингиз, ҳар қандай шароитда ҳам Ватан ҳимояси учун тайёрлигингиз туфайли бугун осмонимиз мусаффо, халқимиз осуда ҳаёт кечирмоқда. Байрамингиз муборак бўлсин, ватанпарвар, мард ва жасур ўғлонлар!

2025-01-14 09:30:00